

дарахтлар жойлашуви ноқулай, қияликдаги ҳамда сувдан узоқда жойлашган дарахтлар кўпроқ зарарланганлиги кузатилди. Шу билан бирга зарарланган дарахтларнинг ёши 20 ёшдан юқори бўлган дарахтларда кўпроқ учради. Танасининг кенлигига кўра бир тупда 2-3 донагача, айрим дарахтларда (қайрағочларда) 4-5 донагача

личинкалар кузатилди. Жами кузатилган дарахтларнинг 12,6% шаҳар мўйловдори билан зарарланганлиги аниқланди. Ушбу дарахт турларининг 5,2% нобуд бўлган бўлса, 7,4% айрим шоҳлари бутундай қуриб қолганлиги кузатилди.

Хулоса. 1574 туп дарахт турлари назоратдан ўтказилганда уларнинг 197 (12,6 фоизи) донаси шаҳар

мўйловдори билан зарарланганлиги кузатилди. Бунда уларнинг тарқалиш майдони ўрганилган ҳудудга нисбатан 2,4% ни ташкил этган. Ушбу ҳолатда уларнинг популяцияси кенгайиши мумкин.

**А.Анорбаев,
У. Машарипов, ТошДАУ.**

Фойдаланилган адабиётлар:

Сулаймонов Б.А. ва бошқалар. Ўрмон энтомофаунаси ва улар миқдорини бошқариш. Ўзбекистон НМИУ, -Тошкент: 2017, Б-71-74.

Воронцов А.И., Семенова И.Г. Лесозащита. М.: Агропромиздат, 1988. 336 с.

Эсанбоев Ш. Городской усач. Монография. Изд. Фан.АНУз –Ташкент: 1994, С 956-58.

Orlinski AD. Outcomes of the EPPO project on quarantine pests for forestry1. EPPO Bulletin. 2006;36(3):497-511.

Farashiani, M. E., S. E. Sadeghi, and M. Abaii. 2001. Geographic distribution and hosts of sars longhorn beetle, *Aeolesthesarta* Solsky (Col.: Cerambycidae) in Iran. Journal of Entomological Society of Iran 20: 81-96.

Lu, W, Q. Wang, M. Y. Tian, et al. 2013. Reproductive traits of *Glenea cantor* (Coleoptera: Cerambycidae: Lamiinae). Journal of Economic Entomology 106:215-220.

Kadyrov A.Kh. (2007) The cambioxylophagus beetles of the south-eastern part of Central Asia. Dushanbe, Tajikistan, 274 pp.

Сулаймонов Б.А. ва бошқалар. Ўрмон биоценозида фитофаг турлари ва улар миқдорини бошқариш. Ўзбекистон НМИУ. –Тошкент: 2017, 72-73 б.

Smith, M. T., J. Bancroft, and J. Tropp. 2002. Age-specific fecundity of *Anoplophora glabripennis* (Coleoptera: Cerambycidae) on three tree species infested in the United States. Environmental Entomology 31:76-83.

Keena, M. A. 2002. *Anoplophora glabripennis* (Coleoptera: Cerambycidae) fecundity and longevity under laboratory conditions: comparison of populations from New York and Illinois on *Acer saccharum*. Environmental Entomology 31:490-498.

УЎТ.632.7

Ўқинг, эътиборга олинг

ЁҒОЧХЎР ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Аннотация: В статье приводятся информации о насекомых-ксилофагах наносящих большой урон деревянным конструкциям домов и других предметов а также новые технологии меры борьбы с ними.

Annotation: The article provides information on xylophagous insects inflicting heavy damage on wooden structures of houses and other objects, as well as new technologies for the control of mosquitoes.


Калит сўзлар: термитлар, дурадзор ари, қора уй мўйловдори, пармаловчи қўнғизлар, ёғочхўр, ксилофаг, зараркунанда, кимёвий ва биологик воситалар, ем-хўраклар.

Аҳолини узоқ йиллардан бери безовта қилиб зарар етказиб келаётган термитлар ва бошқа ёғочхўр ҳашаротларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш бугунда ҳам энг

долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Фан тилида ксилофаглар деб аталадиган бу митти жониворлар таъсиридан ёғоч ишлатилган турар жойлар, иншоотлар, тарихий ёғоч буюм ва

қурилмаларга, сақланиб келаётган тарихий китобларга, ҳаттоки электр симлари изоляцияларига ҳам катта зарар етмоқда. Ёғочхўр зараркунадаларни зарари, яшаши ва уларга қарши кураш усуллари ўрганиш билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти ва унинг қошидаги "Республика термитларга қарши курашиш маркази" ДУК шуғулланиб келмоқда (Хамраев ва бошқ., 2015 й).

Ксилофаг ҳашаротлар қуруқ ёғоч материаллари билан озиқланадилар. Уларнинг озиқа ҳазм қилиш тизимида симбиотик микроорганизмлар ва улар томонидан ажратиб чиқарилган



1-Расм. Термитлар ва уларнинг зарари.

ферментлар ёрдамида куруқ ёғочни осон хазм қиладилар.

Табиатда 20 га яқин туркумга кирган ёғочхўр ҳашаротларнинг турлари аниқланган. Доимий гигроскопик даражаси паст бўлган ёғоч ускуналар, жиҳоз ва буюмларда ксилофаг ҳашаротлардан - мўйловдор қўнғизлар, дурадгор ари, пармаловчи қўнғизлар ва термитлар озиқланиб зарар келтирадилар (Хамраев ва бошқ., 2015 й).

Мўйловдор қўнғизлар ва унинг личинкалари бино ва иншоотларга кириб келиб, асосан ёғоч материалларда ривожланишини давом эттиради ва зарар етказадилар. Личинкалар учун нам танқислиги эмас, аксинча ёғочнинг нам бўлиши ноқулайлик туғдиради. Улар айниқса қадимий ёдгорликларга, дераза, ром, шифт, ёғоч тўсинлар ва хонадонларнинг деворларига жойлашиб олиб зарар етказадилар.

Бизнинг мамлакатимизда ҳозирги пайтда ёғочхўр зараркунанда ҳашаротлардан энг зарарлиси термитлар ҳисобланади. Термитлар жуда юқори ривожланган

жамоа ҳосил қилувчи ҳашаротлар бўлиб, ривожланиши чумоли ва асалариларга ўхшаб кетади. Улар ер остида мураккаб камералар, галарейларда кўп минглаб табақа ва зотлардан иборат бўлган жамоа ҳосил қилиб яшайдилар. Жамоадаги термитлар бир нечта ривожланиш фазалари ва табақаларидан иборат бўлиб, улар ташқи кўриниши бажарадиган вазифаси билан бир-биридан фарқ қилувчи ишчилар, аскарлар ва жинсий зотлардан иборатдир.

Ишчи термитларда жинсий аъзолари ривожланмаган. Уларнинг вазифаси эркак, урғочи зотлар, аскарларни боқиш, личинкаларни парваришlash ва уя қуришдан иборат. Аскарлар жинсий етилмаган личинкалар ёки "ишчилар" ривожланишидан ҳосил бўлган бош қисми йирик, кучли жағга эга табақа ҳисобланади, уларнинг вазифаси уяни ташқи душманлардан қўриқлашдан иборат бўлади. Эркак термитлар қанотини ташлаган нимфалар бўлиб, урчитиш вазифасини бажаради. Урғочи термит ҳам, қанотини

ташлаган нимфалар бўлиб қорни катта ва овал шаклида бўлади ва бизнинг мамлакатимизда учрайдиган термитларда улар малика ўринбосарлари деб юрилади. У бир кеча –кундузда 1500-3000 тагача тухум қўя олади.

Жинсий вояга етган қанотли урғочи ва эркак термитлар, личинкаларни бир неча бор туллаб нимфалар ҳосил бўлишидан келиб чиқади. Қанотли термитлар тинчлик даврини ўтагач янги оила ҳосил қилиб, уларнинг тарқалишида муҳим роль ўйнайдилар. Март-апрель ойларида илиқ ёмғирлардан сўнг термитларнинг бир қисми уядан учиб чиқиб қанотларини синдириб, жинсий қўшилгач жуфт-жуфт бўлиб янги оилалар ҳосил қиладилар. Термит личинкаси 3 ёшдан сўнг нимфага айланади. Нимфа 6 ёшдан сўнг имагога айланади.

Ўзбекистон ҳудудида *Anacanthotermes* авлодига мансуб 2 та тур: туркистон ва катта каспий орти (*A.turkestanicus* Jacobs., *A.ahngerianus* Jacobs.)тарқалган.

Anacanthotermes авлодига ман-суб термитларнинг уялари бир неча метргача ер остида берки-тилган бўлиб, мураккаб тузил-ган камера ва йўлаклардан иборат бўлади. Улар бино деворлари, томларида ҳам камералар ҳосил қилиб иморатнинг қишда иссиқ, ёзда салқин жойларда йиғилиб зарар келтирадилар (1-расм).

Ш.Рўзиевнинг маълумотига қараганда (2013 й) термитлар ҳар йили океан ортида 5 мил-лиард долл., дунё бўйича эса 20 миллиард долл. Миқдорида зарар келтирмоқда. Термитлар тарқалишини олдини олиш тадбир-лари сифатида иморат қуришдан олдин чел олиб, ерни бостириб суғориш, ерга суғориладиган ва қатор ораларига тез-тез ишлов бериладиган экинларни эккан маъқул. Сув етарли бўлмаган ҳудудларда кимёвий препаратлар-дан суми-альфа 5% к.э. (10 л сувга

2мл), децис 10% (2 мл), фьюри (1 мл) ёки регент, 20% сус.к. (1 гр) ишчи эритмаси ёки эмульсияси ишлатилиши яхши натижа бериши аниқланган (Хўжаев, 2015 й).

Термитлар мамлакатимизнинг кўпчилик вилоят, туманларида аҳоли турар жойларини, тарихий-маданий обидалар, иншоотлар-нинг ёғоч қисмларини зарарлаб жуда катта зарар етказмоқда.

“Республика термитларга қарши курашиш” ДУК базасида биологик ва кимёвий кураш воситалари асо-сида заҳарли ем-хўракларни яра-тилиб аҳоли турар жойларида, ёдгорлик ва бошқа ёғоч иншоот-ларда фойдаланиш учун тавсия этилган (Бу усулга қизиққанлар учун тел. +99893 600 35 53, Тош-кент ш. – “Республика Термит-ларга қарши курашиш маркази” ДУК). Бироқ энг муҳими бу зарар-кунандани ўз вақтида аниқлаб тарқалиб кетишини олдини олиш

ва йўқотиш чораларини кўриш шу куннинг долзарб вазифаларига киради.

Ёғочхўр ҳашаротлар халқ хўжалигида катта зарар келтирувчи зараркунандалардан ҳисобланиб, қарши курашда уни ўз вақтида аниқлаб, олдини олиш тадбирла-рини ўтказиш яхши самара беради. Термитларга қарши курашда био-логик ва кимёвий воситалар асо-сида яратилган ем-хўраклардан фойдаланиш яхши самара бериши аниқланган.

**Б.А.Сулаймонов,
Б.С.Болтаев, Ш.Махмудова,
Қ.Ж.Рустамов
Тошкент давлат аграр
университети,
Республика термитларга
қарши курашиш маркази ДУК
Б. Жалғасов,
ЎзРФА Зоология институти**

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муродов С.А. Умумий энтомология курси. -Тошкент, “Меҳнат”, 1986. -271 б.
2. Хамраев А.Ш.ва бошқ. Термитларга қарши кураш тизимига оид/ Хамраев А.Ш., Лебедева Н.И., Азимов Ж.А., Жугинов Т.Н., Холматов Б.Р., Рустамов Қ.Ж., Мирзаева Г.С., Ғаниева З.А., Абдуллаева И.Н. ва бошқ. Тавсиялар. -Тошкент, 2015.-43 б.
3. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. -Тошкент, “Наврўз”, 2015. -552 б.

Ўқинг, огоҳ бўлинг

БУКРИПАШША (PHORIDAE CURTIS,)



Ўта хавфли карантин организм ҳисобланган букри пашша Рос-сияга цитрус меваларга илашиб

кириб келган. Бу биринчи бўлиб Новороссийск ва кейинчалик ушбу шаҳарга яқин бўлган Геленжикда аниқланди.

Букри пашша инсон учун нимаси билан хавфли?

Етук зоти ёки букри пашшани ўзи хавфли эмас, лекин унинг личинкаси ноодатий ҳолатда, тез парчаланувчи барча турдаги орга-ник субстратларда ривожланиб, инсон ва ҳайвон организмни зарарлайди.

Табиий шароитда чиришни бошлаган мевалар, картошка, соя,пишлоқ, ун, қурилган балиқ маҳсулотлари ва бошқа кўпгина маҳсулотларда 5ммгача бўлган личинкасини учратиш мумкин.

Агар букри пашша тухуми ёки личинкаси одамнинг ошқозон-ичак йўлларида тушиб қолса, ошқозон миазасини ҳосил қилади. Айниқса бундай ҳолларда учинчи ёшдаги личинкаси ўта хавфли ҳисобланади. Баъзи маълумот-ларда личинкалари кўз шох-пардалари яраларида, инсон-нинг буйрак ва генетик орган-лари яраларида ҳам ривожла-ниши тўғрисида ёзилган. Мутахас-сислар фикрига кўра букри пашша ўткир ичак-ошқозон касаллиги кўзғатувчиси *Vibrio cholerae* бак-терияси бўлган, оғир ич кетиш билан характерланадиган холе-ранинг ташувчиси ҳисобланади. Инсон организмда йўғон ичак-нинг зарарланиши, ингичка ичак